

Иш № [REDACTED]
Маърузачи судья: [REDACTED]

Биринчи инстанция судада раислик
қилган [REDACTED]

Protected by PDF Anti-Copy Free

Ўзбекистон Республикаси номидан
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ҲУКМИ

2022 йил [REDACTED] Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, ўз б [REDACTED] а, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья, [REDACTED], судлов ҳайъати судьялари [REDACTED] иборат таркибида, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья катта ёрдамчиси [REDACTED] овнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] иштирокида жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2022 йил 25 январдаги Галиахметова Элмира Вакилевнага нисбатан чиқарган ҳукми устидан Қибрай туман прокурори томонидан билдирилган апелляция протести асосида жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] йил 25 январдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED] 1972 йил 27 мартда Тошкент вилоятида туғилган, миллати татар, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 6 нафар фарзанди бор, Қибрай тумани “Гулзор-1” МФЙ раиси, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2010 йил 3 сентябрдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 28,211-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 авнустдаги амнистия актининг 7-бандига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2018 йил 28 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 2 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, шу туман судининг 2020 йил 30 апрелдаги ажримига кўра, 1 йил 1 ой 11 кун



озодликни чеклаш жазосини ўташ давомида жиноят содир этганлиги инобатга олинмасдан, узилик кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, хатоликка йул қуйилгани ҳақида важлар келтирилиб, жиноят ишлари бўйича Қиёраи туман судининг ҳукмини бекор қилиб, янги ҳукм чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] билан қилинган протестни қаноатлантириб, суд ҳукмини бекор қилиб, янги [REDACTED] ҳукми чиқариш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] апелляция шикоятини рад қилиш, суд ҳукмини ўзгартириб, Э [REDACTED] нисбатан жарима жазосини тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, протестдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини бекор қилишни ва янги ҳукм чиқаришни, апелляция протестини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Жиноят иши юзасидан жабрланувчи ҳисобланган [REDACTED] судлов ҳайъатига тақдим қилинган эътирозномасида у прокурорнинг протести билан танишганлигини, [REDACTED] томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, унинг судланувчига нисбатан даъвосини йўқлигини баён қилиб, [REDACTED] фарзандлари, ёш болалари борлиги муносабати билан унга нисбатан енгиллик яратиб беришни сўраган.

Шунингдек, жабрланувчи [REDACTED] ўзининг эътирозномасида прокурор томонидан билдирилган протест билан танишиб чиққанлигини, [REDACTED] унга нисбатан етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини инобатга олиб, суд қарорини ўз кучида қолдиришни ва протестни рад қилишни ҳамда суд мажлисини унинг иштирокисиз ўтказишни сўраган.

Судланувчи [REDACTED] айби унинг ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб кўрсатув берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] кўрсатувлари, ўтказилган юзлаштириш баённомалари, тилхат ҳамда ишдаги бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] жинойий ҳаракатлари фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкини қўлга киритиш, такроран ва хавфли рецидивист томонидан содир этилишдаги белгиларига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] жазо турини ва меъёрини тайинлашда, ўз айбига тўлиқ иқроп ва қилмишидан пушаймон эканлигини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, олти нафар фарзанди борлигини, ёлғиз оила боқувчиси эканлигини, жиноятни оғир шахсий, оилавий



шароитлар оқибатида (2020 йилда 2 нафар қиз фарзандларини узатганлиги учун қарзларини қоплаш эвазига) содир этганлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тулиқ қопланганлигини, шунингдек, муқаддам судланганлиги, жазодан муддатидан илгари озод қилинган муддат мобайнида жиноят содир этганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмига кўра, моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда қилиш тартиб-қоида ва озодликдан маҳрум қилиш тартиб-қоидадаги жазо қўлмаслик ҳақидаги қонун талабидан ҳамда оғир оилавий шароитлар оқибатида жиноят содир этган шахсга нисбатан жарима жазоси тайинлаш ҳам мақсадга мувофиқ эмаслигидан келиб чиқиб, унга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаш ҳақида асосли хулосага келинган.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] ҳукм билан тайинланган жазо муддатига жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2018 йил 28 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган 2 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган, яъни шу туман судининг 2020 йил 30 апрелдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган 1 йил 1 ой 11 кун жазо муддатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60, 61-моддалари талаблари асосида қисман қўшиш йўли билан Э.Галиахметовага узил-кесил яна ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашда хатоликка йўл қўйилган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиши, бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] нисбатан узил-кесил жазони тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган юқоридаги талабларига риоя қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 497²⁶-моддасида апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра айблов ҳукмини бекор қилиш ва янги айблов ҳукмини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши; шу кодекснинг 497²⁹-моддасида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ва маҳкумга нисбатан жазони кучайтирган ёки унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаган ҳолда янги айблов ҳукми чиқаришга ҳақли эканлиги, апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг айблов ҳукми маҳкумнинг



аҳволини оғирлаштирган ҳолда бекор қилиниши фақат прокурорнинг протестига ёки жабрланувчининг унинг вакилининг шикоятига кўра янги ҳукм чиқариш орқали амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган. (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Шу сабабли, судлов ҳайъати жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2022 йил 25 [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилиб, унга [REDACTED] айблов ҳукми чиқариб, ЖКнинг 60-моддаси талабларига асосан қўшимча қўл-кесил озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати прокурор томонидан билдирилган протестнинг биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] нисбатан асосиз равишда ЖКнинг 45-моддаси қўлланилмагани, унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинланмасдан хатоликка йўл қўйилгани ҳақидаги важлари билан келишмайди.

Судлов ҳайъати биринчи инстанцияси суди томонидан судланувчи Э.Галиахметова мазкур жиноятларни хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этмаганлигини, модда санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўшимча жазо сифатида фақатгина озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан, у ҳам бўлса жиноят хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда содир этилгандагина қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилганлигини, дастлабки тергов органи томонидан эълон қилинган айбловда ҳам судланувчи томонидан мазкур жиноят хизмат вазифасидан фойдаланиб содир этилмаганлиги сабабли унга ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди қўйилмаганлигини, шунингдек, илгари ҳам судланган фирибгарлик жинояти учун юқоридаги банд қўйилганда ҳам судланувчига қўшимча жазо қўлланилмаганлигини, амалдаги қонун талаби ва Пленум қарорларида қўшимча жазо фақатгина жиноят хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда содир этилганда ёки модда санкциясида мажбурий тайинланиши назарда тутилган ҳоллардагина тайинланиши мумкинлиги назарда тутилганлигини, унинг кўп фарзандли оиласини боқиш манбаидан асосиз маҳрум қилмаслик мақсадида, шунингдек, дастлабки тергов органи томонидан судланувчини содир этган жинояти учун уни интизомий жазога тортиш ҳақида Қибрай туман ҳокимиятига тақдимнома киритилганлигини ҳам инobatга олган ҳолда судланувчи [REDACTED] нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган қўшимча жазони қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб топилиб, асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Шу сабабли, судлов ҳайъати прокурор томонидан билдирилган протестни қисман қаноатлантириб, жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг ҳукмини бекор қилиб, [REDACTED] нисбатан янги айблов ҳукми чиқаришни, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, илгариги ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган



қисмини ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида қисман қўшиб, узил-кесил озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати Э.Галиахметованинг зиммасига озодликни чеклаш жазосини ўтатиш даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасида назарда тутилган тегишли чеклаш ва мажбуриятларни юклашнинг лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 497¹³, 497¹⁶-497¹⁹, 497²⁴, 497²⁶-497²⁷, 497³¹-моддаларига риёзилик қилиш, апелляция инстанцияси

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2022 йил 25 январдаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилинсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилишда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида мазкур ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2018 йил 28 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган 2 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган, яъни шу туман судининг 2020 йил 30 апрелдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган 1 йил 1 ой 11 кун жазо муддатини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 йил 2 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] озодликни чеклаш жазосини Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Гулзор-1” МФЙ, Шабода кўчаси, 12-уйда соат 22:00 дан 06:00 га қадар ўташ белгилансин.

[REDACTED] зиммасига қуйидаги қўшимча чеклашлар юклатилсин:

- кўнгилочар жойларга ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш мумкин бўлган жойларга бормаслик (кафе, бар, ресторан, тунги клублар);

- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

- мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

- мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик каби қўшимча чеклашлар юклатилсин.



██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари яъни;

- агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

- озодликни чеклаш таъқиқларидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро эттириш Қибрай туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазо ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш органларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, Э.Галиахметовага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров сифатида қабул қилиниб, сақлаш учун Тошкент вилоят ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг (х/р 21506000200447886012, ИНН 200541951, МФО 00014) “Марказий банк” АТБ Тошкент шаҳар филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 5.000.000 сўм пул маблағи гаров кўювчи ██████████ қайтарилсин.

Жабрланувчи ██████████ етказилган моддий зарар ██████████ томонидан тўлиқ қопланганлиги эътиборга олинсин.

Апелляция протести қисман қаноатлантирилсин.

Апелляция ҳукмидан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида протест билдиришлари ёки шикоят беришлари мумкин.

Раислик қилувчи

ИМЗО

██████████

Ҳайъат судьялари:

ИМЗО

██████████

ИМЗО

██████████

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

судья

██████████

